

* *Президент Фармони—амалда*

# УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШЛАРИГА КЎЛАМ ВА СУРЪАТ

* *Долзарб мавзуда*

## ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР

**ЯҚИНДА матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарори эълон қилинди. Унда айниқса якка тартибдаги уйларни қуриш ҳамда кам таъминланган, кўп болали оилаларни бу борада ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилди.**

**Хўш, ана шу ва бошқа ҳукумат қарорларига жавобан республикамиз, хусусан Тошкент шаҳар қурувчилари қандай ишларни амалга оширишмоқда? Пойтахтда энг катта қурилиш ташкилотларидан бири бўлган «Тошкентқурилиш» давлат-ҳиссадорлик қурилиш корпорацияси раиси Тоҳир Зокиров билан бўлган суҳбатимиз ҳам ана шу йўналишда бўлди.**

— Ҳукуматимизнинг юқоридаги ва бошқа қарорлари биз қурувчиларга катта имкониятлар очиб бермоқда. Масалан, корпорациямиз бу йил давлатдан ер олиб ўз маблағидан ҳамда банкдан олган қарз ҳисобига якка тартибдаги уйлар қуриш имкониятига эга бўлди. Қурувчилар бу турар жой биноларини буюртмачи лойиҳаси асосида қуришяпти. Якка тартибдаги қурилган уйларнинг ижобий томонларидан бири шундан иборатки, биз уни сотишимиз, ижарага беришимиз мумкин. Мисол учун шу йил май ойида юқоридагига ўхшаган бир нечта хонадон ҳамда уйларни ким ошди савдосига қўйиш ниятимиз бор.

**— Айни пайтда бундай уйлар шаҳримизнинг қайси жойларида қурилмоқда?**

— Яқинда пойтахтнинг Лоҳутий кўчасида шундай уйлардан иккитасини фойдаланишга топширдик. Ва шу кўчада якка тартибдаги турар жой биноларининг яна тўрттасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Умуман шаҳар бўйича 51 та уйда бинокорларимиз томонидан қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишлари олиб борилаяпти.

Бундан ташқари шаҳримизнинг «Қурувчи» мавзесида 9 қаватли иккита ширкат услубидаги уйда бинокорларимиз ишлашмоқда. Бунда корпорациямизга қарашли биринчи ҳамда йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинатлари бунёдкорлари тер тўкишмоқда.

**— Бу уйларда яшаш учун шарт-шароитлар ҳам жаҳон андозалари шартларига жавоб берса керак?**

— Албатта, биринчидан биз бу уйларни тўла тайёр ҳолида топширамиз. Қурилаётган кўп қаватли уйларда фақат бўш хонани эмас, балки ёғоч жиҳозлар, телефон аппаратлари ва бошқалар бор. Бир сўз билан айтганда бу уйларда яшовчилар учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Ундан кейин Сергели ва бошқа жойларда қурилаётган якка тартибдаги уйларнинг олдида томорқа ерлари ҳам бор. Ҳозир бу уйни қўшиб ҳисоблаганда 6—10 сотиҳни ташкил этмоқда. Уй эгалари шу ерларга ҳар хил экин экиб олишларига ҳам имконият яратилган.

**— Корпорациянинг шу йил уч ой ичида бажарган ишлари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Қурувчиларимиз ўтган уч ой ичида 62566 квадрат метр турар жой биноларини фойдаланишга топширишди. Ўтган йил шу муддат ичида 50944 квадрат метр уй-жой қуриб битказилганди. Яъни ўтган йилга қараганда бинокорларимиз 11622 квадрат метр кўп турар жой биноларини ниҳоясига етказишга муваффақ бўлишди.

Биз бунда кўпроқ ширкат ҳамда якка тартибдаги уйларни қуришга эътиборни қаратдик. Масалан, шу йил февраль ойининг ўзида 9983 квадрат метр ширкат усулидаги турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Қуриб битказилган «Белтепа» мавзесидаги ҳар бири 81 хонадонли иккита уй ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бунёдкорлар март ойида ҳам ёмон ишлашгани йўқ. Бу ойда улар умумий сатҳи 52583 квадрат метрни ташкил этган биноларни фойдаланишга тахт қилиб қўйишди. Гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бунга бир нечта мисоллар келтирсак. Шу ойда «Сергели-5» мавзесида 9 қаватли ширкат асосидаги уй қуриб битказилди. 36 хонадондан иборат турар жой биносида бунёдкорлик ишларини 1-уйсозлик комбинати қурувчилари ниҳоясига етказишди. «Иззат» даҳасида эса 90 хонадонга мўлжалланган уй фойдаланишга топширилди. Бу ишни корпорациямизга қарашли йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинати бинокорлари амалга оширишди. Айни пайтда хонадон эгалари бинога кўчиб кириш арафасида.

Лекин қилинган ишларни таъкидлаган ҳолда қурилаётган биноларнинг сифатидан кўнглимиз тўлмаётганлигини ҳам айтмоқчиман. Шунингдек, ҳозир ҳам қурувчиларимиз баъзи бир хом ашёларни топишда қийналишаяпти. Кейинги вақтларда айниқса ғиштга бўлган эҳтиёж сезилмоқда эди. Ишчи ва хизматчиларимиз ана шуларни ҳисобга олиб пойтахтимизнинг Сергели туманида ғишт заводи қуришга аҳд қилишди. Бу йилига 30 миллионта пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қурбига эга корхона бўлиши керак эди. Яқинда бунёдкорларимиз ана шу корхонанинг биринчи навбатини ишга туширишди.

**— Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин пойтахтимизда кам таъминланган ва кўп болали оилалар ҳам бор. Ҳукуматимиз қарорларида ана шу тоифадаги фуқароларимизни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида ҳам гап боради. Бу борада қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?**

— Тўғри гап. Чунки кам таъминланган кўп фарзандли оилалар ширкат ёки якка тартибдаги уйларни сотиб олишга қурби етмайди. Шунинг учун ҳозирги пайтда ана шу кишилар ишлаётган корхона ва ташкилотлар уларни ўз ҳимоясига олиши керак. Биз эса ўз навбатида бундай корхоналар берган буюртмаларни тез ва сифатли бажаришга эришишимиз зарур. Бизнинг буюртмачиларимиз орасида бундай ташкилотлар кўп. Масалан, яқинда «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмаси асосидаги уйни фойдаланишга топширдик. Март ойида қурувчиларимиз томонидан битказилган Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига қарашли «Ўзгариш» мавзесидаги уй ҳам шулар жумласига киради.

Республикамиз ҳукумати ҳам ана шу кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларга уй сотиб олишда кўплаб имтиёзларни яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 31 март қарорида ҳам бу алоҳида таъкидланган. Умуман олганда Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарори уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг кенг кўламли, истиқболли дастури бўлди.

Суҳбатдош
**Ғулом ЮСУПОВ.**

## «ФАРОИС» БАРПО ЭТАЯПТИ

*Суратли лавҳа*



ЯҚИНГИНАДА ўз фаолиятини бошлаган «Фароис» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси фаолияти кўзга ташланиб бормоқда. Уй-жойларнинг тўла-тўкис қуриб битказилишида асосий буюртмачи ташкилот саналадиган бу фирма ҳозирги кунда шаҳримизнинг деярли барча туманларида уй-жойлар бунёд этишни жонлантириб юборишди. Биз фирма буюртмаси билан Сергели-5 даҳасида қад ростлаётган туркум уйларнинг қурувчилари билан суҳбатда бўлдик.

— Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслайдиган бўлсак қурилишда анчагина бурилиш ясадик, — дейди қурувчилар участкасининг бошлиғи Зокир Султонбеков. — Бу, албатта, буюртмачининг талаби ва таклифининг қатъийлигида деб биламан. Чунки «Фароис» фирмасининг буюртмасига кўра айни вақтда, катта ишни бошлаб юбордик. Ҳар бири 54 хонали ёш оилаларга мўлжалланган 10 та уйнинг дастлабки бештасининг пойдеворлари тикланмоқда. Бу ишда 6 та бригаданинг 80 нафар ишчиси тинимсиз меҳнат қилишаётир. Бошқармамиз, яъни 6-уй-жой қурилиш комбинатига қарашли 26-қурилиш бошқармаси мутасаддилари ҳам буюртмачиларнинг барча талаб-истаклари тўла-тўкис қондирилишига астойдил ҳаракат қилишаётир.

Биз билан ҳамкорликда шаҳримиздаги бошқа қурилиш ташкилотлари, 2-механизация бошқармаси, 3-пардозлаш ишлари бошқармаси, 1 ва 8-қурилиш бошқармалари ҳам меҳнат қилишяпти.

Иш юритувчи Зикрилла Раҳматуллаев фақат ишни яхши ташкил этибгина қолмай, балки қурувчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорликларини ҳис этиб меҳнатни ташкил этаётир. Дастлаб иншоотда бунёдкорлар учун етарли қулай шароитлар йўқ эди. Буни ҳисобга олиб жамоа ўзи учун тушликда бемалол овқатланиш ва хордиқ чиқариш учун шароит яратиб олди. 1-уйсозлик комбинати томонидан эса ҳар бир қурувчи учун тушликка қўшимча 1,5 минг сўм миқдорида пул ҳам ажратилди.

Маълумки, қаерда аҳиллик ва уюшқоқлик бўлса, ўша жойда иш енгил кўчади. Албатта, бу ишда бригадирнинг роли катта. Яша Юшуваев, Эркин Зоиров, Маҳмуд Шомансуров, Валера Писменний, Осим Матниязовлар ишнинг кўзини биладиган ана шундай бригадирлардан саналади. Мана шундай шижоатлари туфайли буюртмачилар ишончи оқланмоқда.

**Гулзода МАМБЕТОВА.**



**СУРАТЛАРДА: бригадир Мажид Маманазаров янги лойиҳани кўздан кечирмоқда; пайвандчи Абдураим Ваҳобов пайванд ишлари билан банд.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар.**

* *Шахсий иморат эгалари учун*

## МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАР ҲИСОБГА ОЛИНГАН

**КИМ ҳам шахсий уйи бўлишини хоҳламайди дейсиз. Бироқ ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида якка тартибда уй-жой қуришнинг ўзи бўладими? Узоқ йиллардан бери кўпчиликни ўйлантириб келаётган бу саволга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижобий жавоб берди. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Азиз Валиевич Ғаниев билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.**

— Ушбу Фармон халқимиз томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди, — дейди у. — Чиндан ҳам бу ҳужжатни Президентимизнинг республикадаги уй-жойга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларининг келажагини ўйлаб қилаётган ғамхўрлиги белгиси деб тушунмоқ керак. Қолаверса республикада туғилиш ҳисобига аҳоли сонининг мунтазам ортиб бораётганлиги, бозор иқтисодиёти туфайли молия бюджети ҳисобидан қурилаётган уйлар миқдори йилдан йилга камайиб кетаётганлиги, шунингдек ҳозир бизда ўз ҳисобидан қурилиш ишларини олиб бориш имкониятига эга бўлган жуда кўплаб корхона, муассаса ва ташкилотлар пайдо бўлаётганлиги шундай йўл тутишга мажбур этмоқда.

Шу ўринда хўш, кам таъминланган ёки кўп болали ночор оилаларга якка тартибдаги уйлар қуриш учун имтиёзлар бериладими, деган савол туғилиши табиий. Бу ҳақда юқоридаги ҳужжатда тўла тушунтириш берилган. Чунончи, давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан ҳамда уй-жой қурилиши учун ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги учун тўловдан тушадиган маблағнинг камида 50 фоизи ана шундай муҳтож оилаларнинг уй-жой қуришлари учун ёрдам сифатида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги якка тартибдаги уй-жой қуриш мақсадлари учун республика бюджетидан 90 миллиард сўм-купон ажратади.

Кўп болали, муҳтож оилалардан хусусий иморат солувчилар учун кредитлар уй-жой қийматининг 70 фоизи миқдорида 15 йил муддатга йиллик ўн беш фоизи ҳисоб-китоб шарти билан берилади.

Шунингдек, Фармонда бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахсларга якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилишини амалга ошираётган ходимларга пай бадалларини тўлашда ва кредитни қайтаришда ўз маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома контрактлар тузиш ҳам тавсия этилган.

Бундан ташқари республикада ишлаб чиқариладиган ва якка тартибда уй-жой қурувчиларга ҳам уй-жой қурилиш кооперативларига сотиладиган бинокорлик материалларини, шунингдек уй-жой қурилишида амалга ошириладиган қурилиш ва махсус монтаж ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш кўзда тутилган.

Албатта, қандай уй қуриш ҳар кимнинг хоҳишига боғлиқ. Унинг квадрат метри қандай бўлади, қанақа ғиштдан қурилади, ванна ёки ҳаммоми бўладими, йўқми бу ҳам уй эгасининг ихтиёрида. Фақат қурилишни олиб бораётганда икки нарсани эсдан чиқармаслигингизни истардик. Биринчиси, одамлар хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя қилиш, иккинчиси эса бизнинг сейсмик зонамизда қурилган бинонинг муҳандислик ҳолати мустаҳкам бўлишини унутмаслигингиз керак.

Назаримда, шу ҳақда гап борганда якка тартибда уй-жой қуриш истагидаги кишилар бу хусусда дастлаб кимга мурожаат этишлари керак, деган муаммони ҳам унутмаслик лозим кўринади. Биринчи галда бундай кишилар маҳаллий ҳокимиятга мурожаат этадилар. У ерда уларнинг аризалари кўриб чиқилиб, қурилиш жойи белгилаб берилади. Шу ерда уларга қурилиш учун зарур бўлган барча лойиҳа-ҳужжатлар тавсия этилади.

**Маҳмуд ОРИПОВ.**

**⊙ СУРАТЛАРДА: якка тартибда қуриладиган, миллий хусусиятлар ҳисобга олинган уйлар лойиҳалари акс эттирилган.**

**Лев Гусейнов олган суратлар.**



* *Яхшилар ёди*

## ФАНДА НОМ ҚОЛДИРГАН

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ тиббиёт фани ҳақида гап кетганда, беморларни сил касаллиги чангалидан қутқарган, дардига малҳам бўлган, Ўзбекистонда фтизиатрия мактабига асос солган, тиббиёт фанида ўчмас из қолдирган марҳум академик Шокир Олимович Олимов номини эслаш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Тошкент шаҳрининг ҳунарманд оиласида туғилиб, вояга етган Шокир Олимовни ёшлигидан тиббиёт фанига бўлган қизиқиш, одамлар дардига малҳам топиш истаги Самарқанд тиббиёт олийгоҳига етаклади. Бу даргоҳда тиббиёт фанининг сир-асрорларини қунт билан ўрганар экан, туберкулез — сил касаллигини ўрганувчи фтизиатрия соҳаси уни жуда қизиқтириб қолди. Ўттиз бешинчи йилда Самарқанд тиббиёт олийгоҳини тугатган Шокир Олимов ўзининг қирқ йилдан ортиқ илмий ва амалий фаолиятини фтизиатрияга бағишлади.

Ўзбекистон сил илмий-тадқиқот институтида ўз фаолиятини оддий ординаторликдан бошлаган Шокир Олимович ўзининг меҳнатсеварлиги, билимга чанқоқлиги, ташкилотчилик қобилияти билан эл эътиборига тушди, шифокор сифатида ҳурмат қозонди.

Маълумки, Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда табиати кўпгина хасталикларга шифо берадиган масканлар кўп. Фарғона водийсидаги Ҳамза номидаги санаторийда бош шифокор бўлиб ишлаган ёш олим сил билан хасталанган бемор организмига тоза тоғ ҳавосининг шифобахш таъсири ҳақида номзодлик диссертациясини ёқлади. Урушдан кейинги йилларда ўзбеклардан биринчи бўлиб у Москвага, докторантурага ўқишга борищга муяссар бўлди. Ёш олим ўзининг докторлик диссертациясида сил хасталигининг Ўзбекистон шароитида кечиши, сил эпидемиологиясининг ўта муҳим муаммоларини ёритиб берди. Шундан сўнг Ўзбекистон сил илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ишлаб, республикамизда фтизиатрия мактабига асос солди.

Республикамизнинг ҳамма вилоятларида сил хасталигини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш каби масалаларни ўрганиш учун Шокир Олимович ташаббуси билан етук олимлар, шифокорлардан иборат экспедициялар ташкил қилиниб, жойларда профилактика ишлари олиб борилади. Қашқадарё, Сурхондарёда элликинчи йилларда сил касаллигининг авж олишини тўхтатибгина қолмай,балки камайтиришга эришишда олимнинг хизматлари катта бўлган. «Пахталик кўл», Парда Турсун номли сил санаторийларини ташкил этди.

Академик Шокир Олимовнинг илмий фаолияти қатор монографиялар ва илмий мақолаларда ўз аксини топган. Олим Ўзбекистон шароитида, айниқса қишлоқда сил хасталигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга, даволашда янги, такомиллашган усулларни амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор берди. Ўзининг билими, қалбининг қўрини шогирдларига беришга, минглаб шифокорларга устозлик қилишга интилди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти сил хасталиклари кафедрасига бошчилик қиларкан, у фтизиатрия соҳаси бўйича амалиёт учун етук, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берди. Шу боис унинг раҳбарлигидаги Ўзбекистон сил илмий-текшириш институти нафақат ўлкамизда, балки Ўрта Осиё ҳудудида силга қарши курашни ташкил қилувчи марказга айланди.

Шокир Олимович ўзбек олими номини дунёга таратди. У АҚШ, Италия, Польша, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги халқаро анжуманларда илмий маърузалар қилди, ўз тажрибалари билан фикр алмашди. Шокир Олимов номи Чикагода нашр қилинган «Бутун дунё илмий фанидаги машҳур олимлар» китобида келтирилгани. унинг халқаро миқёсда тан олинганининг ифодасидир.

Ш. Олимов номидаги Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти қошида устоз мураббий, камтарин инсон хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг ҳаётини, илмий-амалий фаолиятини акс эттирувчи музей ташкил этилган. Бугунги кунда бу музейни янги кўргазмалар билан тўлдириб, муқаддас зиёратгоҳга айлантириш каби эзгу ниятимиз бор. Токи устоз музейига кирган ҳар бир одам ўз ишининг фидойиси бўлган, умрининг сўнгги дақиқаларигача «фтизиатрияга бахшида этган етук олим хотирасини ёдга олсин.

**Абдувоҳид СОДИҚОВ,**
**Шокир Олимов номидаги Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти шифохонасининг бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори.**

* *Келажагимиз—мактабда*

## Муаллим масъулияти

БИЗ, муаллимлар олдида келажаги буюк давлат бўлмиш жамиятни яратадиган ва унда ҳаёт кечирадиган ёшларни тарбиялаш ва камолатга етказишдек масъулиятли вазифалар турибди. Бинобарин, мустақил давлатимиз пойдеворини мустаҳкам қилиб қуриш, келажакда уни етук ривожланган давлатлар қаторига қўшиш ҳозирги ёшлар, яъни мактаб ўқувчилари қўлидадир. Бундай ёшларни Ватаннинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш юқорида айтиб ўтганимдек кўпроқ мактаб педагогика жамоаси зиммасига тушади. Шу жиҳатдан олганда бизнинг аҳил жамоамизнинг ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш борасида олиб бораётган камтарона ишларига тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Шуни айтиш керакки, мактабимизда турли миллатдаги 1300 дан ортиқ болаларга 100 дан ортиқ турли миллатга мансуб бўлган муаллимлар дарс беришади. Дарсларимиз ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, ўз вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган. Дарслар кабинет усулида олиб борилади. Мактабимизда катта кино хонаси, кутубхона, спорт билан шуғулланадиган хона ва замонавий ошхона ўқувчилар ихтиёрида. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг дарсларни пухта эгаллашларига замин яратмоқда. Ҳа, дарвоқе, мактабимизда шу боисдан бўлса керак, турли фанлардан семинар-дарслари ўтказиб турилиши ҳам яхши анъанага айланмоқда. Яқинда чет тилидан семинар-дарс ўтказилди. Унда шаҳримизнинг бошқа мактабларидан ташриф буюрган ўқитувчилар ҳам иштирок этишди. Немис тили ўқитувчиси Холида Икромованинг дарси семинар қатнашчиларига манзур бўлди. Семинар давомида ўқитувчимизнинг дарсини тажриба сифатида оммалаштиришга қарор қилинди.

Мактабимиз ўқувчилари орасида кимё, физика, математика фанларига иқтидорлари кучли бўлган қизлар ва болалар бор. Ана шуни ҳисобга олиб биз бу фанларни чуқур ўргатадиган синфлар очганмиз. Бундай иқтидорли ўқувчиларга олий тоифали ўқитувчилар дарс берадилар. Бундан ташқари иккита лицей синфимиз ҳам бор. Алифбесиз ўқитиш учун тажриба синфини очган эдик, бу нарса ҳам ўз самарасини беряпти. Шу синфдаги ўқувчилар ҳозир китобларни бемалол ўқиб, унинг мазмунини сўзлаб бера оладилар.

Маълумки, ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан кейин ҳамма жойларда бўлгани каби таълим ва тарбия масканларида ҳам бу масалага эътибор кучайтириладиган бўлди. Шу нуқтаи назардан олганда мактабимизда ҳафтанинг ҳар жума куни давлат тилида гаплашиш куни деб эълон қилинганлиги айни муддао бўлди. Шу куни рус муаллимлари ҳам, рус синфида ўқийдиган ўқувчилар ҳам ўзбек тилида гаплашадилар. Мактаб илмий бўлим мудири Мукаррам Салимова рус ўқитувчиларига ўзбек тилини ўрганишлари учун амалий машғулотлар олиб боради. Мактабда олиб борилаётган барча тадбирлар ўқувчиларнинг фанлардан пухта ўзлаштиришига эришишларига қаратилмоқда. Буни учинчи чорак якунига бағишланган педагогик йиғилишда келтириб ўтилган далиллардан ҳам яққол кўриш мумкин. Натижа шуни кўрсатдики, учинчи чоракда ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштириши ва хулқи биринчи ва иккинчи чоракларга қараганда анча баланд бўлди. Биз, муаллимлар ўқув йилини икки баҳоларсиз, яхши ва намунали хулқ билан якунлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу билан биз фарзандлар камолоти йўлида ўз олдимизга қўйилган масъулиятли вазифаларни бажаришга ҳисса қўшган бўламиз.

**Машҳура АЛИМОВА,**
**Тошкентдаги 97-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.**

* *Туман солиқ инспекцияларида*

## ФУҚАРОЛАРГА ИМКОНИЯТ

ҲАМЗА тумани давлат солиқ инспекцияси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, жамоамизда талайгина ишлар амалга оширилди. Ёш, тиришқоқ, ўз ишини пухта эгаллаган ходимларимиз айни вақтда Президентимиз ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан чиқарилаётган қарор ва қонунларни амалга оширa бориб, тумандаги мавжуд 1300 дан ортиқ (мулк шаклидан қатъий назар) корхона, муассаса ва ташкилотларда давлат солиқ турлари бўйича солиқ тўлов ва бадалларни ўз вақтида тўла ўтказилишининг назорати юзасидан самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йил мобайнида 14 маротаба солиқ қонунларини ўрганиш семинар мажлислари ўтказилди. Корхона,маҳалла жамоаси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Натижа эса ёмон бўлгани йўқ, режаланган 1993 йилнинг бюджет тушуми 107 фоизга бажарилди. Бу 4 миллион сўмдан кўп демакдир.

Солиқ қонунларини ҳаётга тадбиқ этишда инспекция ходимлари кўрсатаётган ёрдамларига қарамай айрим корхона ва ташкилотларда солиқ қонунларини бузиш ҳоллари учраб турибди. Ўтган йил ўтказилган 538 тафтиш натижасида 290 ташкилотда солиқ қонунлари бузилиши аниқланди. Бюджетга қўшимча 5 миллион сўмдан зиёд пул ундириб олинди. Қонунни бузган 122 ташкилотга 7 миллиондан зиёд молиявий жарима, 416 корхона раҳбари ва бош ҳисобчисидан 1 миллиондан кўпроқ маъмурий жарима ундириб олинди. Бу боқимандалик корхоналарда ҳисоб-китоб ишларини аниқ юритилмаслиги, сотилган маҳсулотларга тўловларни талаб қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан келиб чиқаётир.

Туманда ўтган йили 646 фуқаро якка меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, тадбиркорликни амалга ошириш истагида рўйхатдан ўтганди. Бугунга келиб, 1200 га яқин фуқаро ҳисобга олинди. Бундан кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан тадбиркорликка очилган кенг йўл ўз самарасини бермоқда. Жамоамизда тадбиркорликка иштиёқманд бўлан фуқароларга ҳар куни тушунтириш ишлари ва ҳал бўлмаётган муаммоларини бартараф этиш йўлида ўз маслаҳатларини аямаётирлар. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчиманки, фуқаролар тижорат ёки тадбиркорлик билан шуғулланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эканлар бунга ҳеч ким тўсқинлик қила олмайди. Уларга иш юритишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

**Азмитдин СУЛТОНОВ,**
**Ҳамза тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.**

